

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Infinity Insurance" AJ

Объявление

"INFINITY INSURANCE" AKSIYADORLIK JAMIYATI

«INFINITY INSURANCE» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**“PERFECT INSURANCE” АЖ суғурта ташкилотининг**

**номланиши ўзгарганлиги тўғрисида кредиторларга**

**ЭЪЛОН!!!**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй манзили бўйича жойлашган «PERFECT INSURANCE» АЖ СТ Ягона акциядорининг 2023 йил 16августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 08/2023-сонли баёни қарорига кўра, «PERFECT INSURANCE» АЖ суғурта ташкилоти номланиши «INFINITY INSURANCE» акциядорлик жамияти деб ўзгартирилганлигини маълум қиламиз.

«PERFECT INSURANCE» АЖ СТнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2023 йил 18 август санасида Миробод тумани ДХМ томонидан рўйхатга олинган янги таҳрирдаги Уставга кўра, «INFINITY INSURANCE» акциядорлик жамиятига ўтади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Сиздан қонунчиликда белгиланган тартибда «PERFECT INSURANCE» АЖ суғурта ташкилоти бўйича ёки ушбу жамият билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш ёхудбекор қилиш ёки муддатларини узайтириш ҳамда бошқа ҳар қандай турдаги мурожаатингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Кредиторлар талаблари ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1 БЛ.-А уй;

телефон: (+99878) 150-50-55 (mailto:+99878)%20150-50-55);

электрон почта манзили: info@infinity-insurance.uz (mailto:info@infinity-insurance.uz);

СТИР: 306 464 351.

**«INFINITY INSURANCE» АЖ**

**Ижро органи**

22.08.2023

---

Источник: <https://openinfo.uz/announce/16172/>

Дата: 06.03.2025